2013 ЙИЛ 1 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 64 (12.375)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«Ташаббус – 2013»

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ЭНГ КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШДИ

Шаҳримиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистан Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ташкил этиладиган «Ташаббус – 2013» кўрик-танловининг якуний, республика босқичи бўлиб ўтди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар йили анъанавий тарзда Юртбошимиз раҳнамолигида ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, соҳада эришилаётган илғор натижаларни тарғиб қилишда, ёшларда мулкдор бўлиш ҳиссини шакллантиришда, тадбиркорларнинг имкониятларини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танлов Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Республика «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мазкур беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари қатнашди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 75,7 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йил якунига келиб ушбу кўрсаткич 54,6 фоизга етди. Унинг саноатдаги улуши эса 22,2 фоизни ташкил этди.

Кўрик-танловнинг дастлабки даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган, қурилиш соҳасида хизмат кўрсатаётган тадбиркорлар, фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштираётган илғор тадбиркорлар, кулолчилик соҳасидаги ҳунармандлар иштирок этган бўлса, бугунги кунда иштирокчиларнинг фаолият йўналишлари ўзгариб, ривожланиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар берилганидек, 2013 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи иш кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган амалдаги қонунчиликка риоя қилинишининг аҳволи ва бу борадаги прокурор назоратини янада кучайтириш чоралари тўғрисидаги ҳисоботини тинглашдан бошладилар. Қайд этилганидек, мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунларданоқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш жамият ва давлат қурилишининг энг муҳим устувор йўналиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг, қонун ижодкорлиги фаолиятининг мақсади ва мазмунидир.

Инсон манфаатлари устуворлигини, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиятини мустаҳкамлаб қўядиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларига мувофиқ, Ўзбекистонда фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича катта ҳуқуқий база яратилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яхлит ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизими шакллантирилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар – Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» маркази ҳамда бошқалар ташкил этилди ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоячиси бўлиб хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилган. Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш бўйича комплекс чоралар кўрилган. ННТ, бошқа фуқаролик жамияти институтлари демократик қадриятларни, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Ҳисоботда кўрсатиб ўтилганидек, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш прокуратура органлари фаолиятининг мазмуни ва шаклларини жиддий ўзгартирди, унинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазифаларини кучайтирди. 2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилишни прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги Фармонига мувофиқ прокуратура органлари таркибида Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тузилди.

«Хабеас-корпус» институтининг жорий этилганлиги, қуйи прокурорларнинг дастлабки тергов босқичидаги бир қатор ваколатлари чиқариб ташланганлиги, Жиноят кодекси бир қатор моддаларининг терговга тааллуқлиги ўзгартирилганлиги ва бошқа чоралар прокуратура органларига эътиборни ўзларининг энг муҳим вазифаларини амалга ошириш – инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги қонунлар ижросини назорат қилишга жамлашига имкон берди.

Айни вақтда, маърузада кўрсатиб ўтилганидек, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида яратилган норматив-ҳуқуқий базани, ташкилий-ҳуқуқий механизмларни рўёбга чиқариш борасидаги иш шу куннинг талабларига ҳали тўлиқ жавоб бермайди. Жойларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун талабларини мансабдор шахслар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан инкор этиш, фуқароларнинг мурожаатлари, шикоятлари юзасидан чоралар кўрмаслик, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, меҳнат ва бошқа манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал қилишда суиистеъмолларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд. Бундай камчиликлар «Даврахитектқурилиш», «Ергеодезкадастр» давлат қўмиталари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқаларнинг фаолиятида аниқланган.

(Давоми 2-бетда)

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 2010-2012 йиллар мобайнида Самарқанд вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

• Фарғонада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда «Меҳр нури» жамғармаси ҳамкорлигида хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Андижонда ташкил этилган ана шундай тадбирда ушбу ташкилотнинг хайрли ишлари тўғрисида жамоатчиликка атрофлича маълумот берилди.

• Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мажмуасида бадиий гимнастика бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 1996-2002 йилларда туғилган 128 нафар қиз нафис спорт тури бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

• Фарғона вилоятидаги 293 қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик» лойиҳалари доирасида олти миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига ФЕК, ЭКГ, автоклав, центрафуга ва бошқа замонавий тиббий асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминланди. Шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг касб маҳоратини ошириш ишлари тизимли йўлга қўйилди. Туман тиббиёт бирлашмалари қошида ҳамширалар ўқув хоналари ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Венгрия парламенти мамлакат конституциясига бир қатор ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритди. Унга кўра эндиликда олий ўқув юрти талабалари ўқишни битиргач, мамлакатда узоқ йиллар ишлаш мажбуриятини зиммаларига олсагина уларга давлат томонидан стипендия тўланади. Агарда талаба ушбу мажбуриятни бажармай, ўқишни битиргач, чет элга ишлаш ёки ўқиш учун кетса, у ҳолда бутун ўқиш давомида талаба учун сарфланган маблағ давлатга қайтарилиши шарт.

• Америкалик олимлар квант физикаси қонунлари асосида ишланган музлатгич ихтиро қилишди. Тажрибалар жараёнида янги қурилма томонлари 2,5 сантиметр, қалинлиги эса 3 миллиметр бўлган мис пластина ҳароратини 18 соат мобайнида 265 милликельвингача (Цельсий бўйича — 273.15 градус) пасайтира олган. Шу тариқа ўта паст ҳароратлар билан боғлиқ тажрибаларни ўтказиш имконияти вужудга келди.

• 2013 йилнинг энг яхши автомобили номи Нью-Йоркда эълон қилинади. Ушбу нуфузли номга эришиш учун ўтказилаётган танловнинг финалига Mercedes-Benz A-Class, Porsche Boxster/Cayman, Scion FR-S/Subaru BRZ/Toyota GT86 ва Volkswagen Golf каби тўртта енгил автомобиль чиқди. Таъкидлаш жоизки, Volkswagen концерни автомобилсозлик саноатидаги энг нуфузли номга эга бўлиш учун ўтказилаётган кучлилар танловининг финалига қаторасига тўртинчи бор чиқди.

• Жорий йилнинг охирларида Японияда ишланган қўл ҳаракатига боғлиқ ҳолда товуш чиқарадиган мусиқали ўйинчоқ сотувга чиқади. У инсон кафтининг ўзидан қанча яқинда эканлигини аниқлаб, шунга мос равишда товушини ўзгартиради. Utamin номли ушбу ғаройиб ўйинчоқни бозорга T-ARTS компанияси чиқаради.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ИККИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2013 йил 29 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

ШҲТ МАТТ Кенгаши томонидан ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудидаги озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахсларни террористик ва экстремистик ташкилотларга жалб этишга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлари тасдиқланди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида ШҲТ МАТТ Кенгаши томонидан терроризмга, сепаратизмга ва экстремизмга қарши курашиш бўйича тадбирлар; терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив ҳуқуқий актлар, ўқув материаллари ва махсус адабиётлар; террористик ташкилотлар томонидан фойдаланиладиган портлатиш мосламалари, қуроллар, ўқ-дорилар, заҳарловчи ва бошқа моддаларнинг ягона реестрлари тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Экспертларнинг чегара масалалари, халқаро террористик ташкилотларга ҳамкорликда қарши курашишни мувофиқлаштириш борасидаги иш режалари тасдиқланди.

Терроризмга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ШҲТ МАТТ билан МДҲ Терроризмга қарши курашиш маркази ўртасида ШҲТ ва МДҲга аъзо мамлакатлар ҳудудида ўтказиладиган йирик халқаро тадбирлар пайтида хавфсизликни таъминлашда ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисидаги протокол лойиҳаси маъқулланди.

Ахборот соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикасида 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим тизимини, шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизимининг кадрлар инфратузилмасини ислоҳ қилишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қайд этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилда имзоланган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури босқичларини белгилаб берган 2107-сонли Фармонига биноан олий тиббий маълумот халқаро стандарт – икки босқичли олий тиббий маълумотга ўтказилди.

Масалан, таълимнинг биринчи босқичи – бакалавриатда ўқитишда барча тиббиёт олий ўқув юртлари қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда ишлаши мумкин бўлган умумий амалиёт шифокорларини (умумий педиатр, умумий гигиеначи-эпидемиолог, умумий стоматолог) тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу мамлакатимиз аҳолисига, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Тиббий таълимнинг иккинчи босқичи – магистратура 46 тор мутахассислик (жарроҳлар, кардиологлар, офтальмологлар, юқумли касалликлар шифокорлари ва бошқалар) бўйича шифокорлар тайёрлашни назарда тутади. Бундай мутахассислар соғлиқни сақлаш тизимининг иккинчи ва ихтисослаштирилган бўғинлари, тиббий таълим ва илмий муассасаларда ишлаши учун тайёрланмоқда.

Бунда шифокорлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масаласи тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ҳукуматимизнинг қатор қарорлари асосида олий ўқув юртларида таълим жараёнининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, талабаларнинг яшаш ва маиший шароитини яхшилаш, янги спорт иншоотларини фойдаланишга топшириш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилаётир.

Шу билан бирга, янги педагогик технологиялар ва инновацияларни жорий қилиш давом эттирилмоқда, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда замонавий техник ўқитиш воситалари кенг қўлланилмоқда. Мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари клиник муаммоларни ҳал этишга асосланган модуль таълимини жорий этмоқда. Мазкур технология жаҳон тиббий таълим амалиётида истиқболли ҳисобланади ва мантиқан мустақил фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу бўлажак шифокорни тайёрлаш жараёнида катта ўрин тутади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан ўқитиш жараёнида барча жойларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тилларни билиш даражасини оширишга оид қарорлар қабул қилинди. Бу ишлар ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, тиббиёт жадал ривожланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб, кўп ҳолларда бугун умумқабул қилинган услуб ва йўналишлар эртага ўзининг долзарблигини йўқотиши мумкин.

Шу сабабли тиббий таълимнинг барча босқичларидаги ўқув дастурлари таълим жараёнига инсон касалликлари сабаблари ва механизмларини тушуниш, уларга ташхис қўйиш ва даволашда янгича ёндашувларни жорий этиш орқали мунтазам такомиллаштирилмоқда. Республика, вилоят ва туман даражасидаги даволаш-профилактика муассасаларида даволаш-ташхис қўйиш жараёнининг стандартлари ҳамда протоколларини жорий этиш бугунги куннинг муҳим талабларидан ҳисобланади. Мазкур стандарт ва протоколлар далилли тиббиёт асосида мамлакатимизнинг етакчи тиббий таълим ва илмий муассасаларининг саъй-ҳаракатлари билан ишлаб чиқилмоқда. Далилли тиббиёт интернет-ресурсларда жойлаштирилаётган аниқ илмий маълумотлар таҳлили асосида тавсиялар ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Таъкидлаш жоизки, илмий тиббиёт соҳасидаги интернет-ресурсларнинг 80 фоиздан ортиғи инглиз тилидаги манбалардан иборат. Далилли тиббиётдан фойдаланиш, даволаш стандартлари ва протоколларини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янгилаш ва натижада профессионал дунёқарашни кенгайтиришга пухта ёндашиш инглиз тилини, илмий интернет-маълумотлардан фойдаланишни билишни тақозо этмоқда.

Шунингдек, беморни «ётган жойида» амалий (клиник) текшириш (беморни кўздан кечириш, беморларни клиник кўриб чиқишда, операциялар, манипуляциялар ва бошқа жараёнларда иштирок этиш) кўникмаларини мажбурий ўзлаштириш тиббий таълимнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Шу муносабат билан таълим ва ишлаб чиқариш, жумладан, тиббий олий ўқув юртлари ҳамда етакчи клиник марказларнинг интеграциялашуви шифокорларни сифатли тайёрлашнинг муҳим шартларидандир. Яъни, тиббий олий ўқув юртлари етакчи тиббиёт муассасаларидан клиник база сифатида фойдаланади. Талабаларга билим беришда нафақат олий ўқув юртлари педагоглари, балки илмий ходимлар ва тажрибали шифокорлар ҳам жалб этилади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Прокуратура органлари ўзларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазифаларини амалга ошира бориб, қонунлар, шу жумладан, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилиш якунлари бўйича 2012 йилда давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонунчилик талабларига мос бўлмаган ҳамда фуқароларнинг қонуний манфаатларига дахлдор бўлган 1350 та ҳужжатига протест келтирган. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонун ҳужжатларининг талабларини инкор этиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўрмасдан қолдириш, улар кўтараётган муаммолар бўйича чоралар кўрмаслик ҳолатлари юзасидан прокурорларнинг қарорлари ва тақдимномалари асосида тегишли мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган, жиноят ишлари қўзғатилган ҳолатлар мавжуд. Инсон ҳуқуқларига доир қонунларнинг моҳиятини аҳолига тушунтириш мақсадида 2012 йилда прокуратура органлари томонидан 125 мингдан ортиқ тадбир ўтказилган, оммавий ахборот воситаларида 23 мингдан зиёд чиқиш амалга оширилган.

Маърузада кўрсатиб ўтилганидек, Бош прокурор томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлисга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳасини киритиш мўлжалланмоқда.

Муҳокамада сўзга чиққан сенаторлар давлат тузилмаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш соҳасидаги ишини тубдан яхшилаш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар. Бу соҳадаги қонунларни сўзсиз ижро этиш демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ғоят муҳим шартидир.

Сенаторлар томонидан прокуратура органларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар баён этилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳисоботини муҳокама қилиш вақтида қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 24 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қарорини рўёбга чиқариш мақсадида қабул қилинган тадбирлар дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 12 та асосий йўналиш бўйича 48 та тадбирнинг бажарилиши таъминланган. 2008–2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурини бажаришга алоҳида эътибор берилган.

Ҳисоботни муҳокама қилиш асносида сенаторлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, атроф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан назоратни кучайтириш юзасидан қўшимча чоралар кўриш, шунингдек, экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни амалиётга киритиш бўйича аниқ таклифлар ва тавсияларни билдирдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини ҳам тингладилар. Қайд этилганидек, ўтган даврда Адлия вазирлиги томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, уларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида муайян ишлар қилинган.

Чунончи, 2012 йилда вазирлик томонидан 20 дан ортиқ давлат органи фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ўрганилган. Назорат тадбирларини амалга ошириш натижалари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан умуммажбурий хусусиятдаги ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказмасдан қабул қилиш, қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган ваколатларни тегишлича бажармаслик «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун талабларини тегишли тарзда ижро этмаслик ҳолатлари аниқланган.

Аниқланган камчиликлар бўйича адлия органлари томонидан тартиббузарликларни, шунингдек, уларни содир этишга имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган 616 та муносабат чораси қўлланилган. Манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган камчиликларни тўлдириш ва зиддиятларни бартараф этиш бўйича 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф қилинган, давлат органлари юридик хизматларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилган.

Муҳокама давомида сенаторлар давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилиши устидан тизимли назоратни кучайтириш, шунингдек, уларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги фаолиятини мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритиш масалаларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси давомида 17 та масала, шу жумладан, демократик ислоҳотларни босқичма-босқич ҳамда изчил чуқурлаштиришга ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга йўналтирилган 7 та қонун кўриб чиқилди. Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг рўёбга чиқарилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва ободликни янада оширишнинг қудратли омили бўлади.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ИККИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисда ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига ШҲТ МАТТнинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэннинг ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари амалга оширилишининг якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

ШҲТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун ваколатли органлар ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг бир қатор ходимлари Кенгаш Ёрлиқлари билан мукофотланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий, кадрлар ва молиявий жиҳатдан таъминлашга доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2013 йил 20 сентябрь куни Россия Федерацияси ҳудудида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори лавозимига янгидан тайинланган Чжан Синьфэннинг лавозимга киришиш маросими ўтказилди.

ШҲТ МАТТ Кенгаши ишида ШҲТ Бош котиби Д.Мезенцев, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Э.Арипов, ШҲТга аъзо давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчилари иштирок этди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундай ишлар натижасида юқорида қайд этилганлар – мамлакатимиз тиббий олий ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилари зиммасига қатта масъулият юклайди. Шунинг учун педагоглар она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли ва бошқа касалликларга қарши кураш, мамлакатда эпидемиологик барқарорликни таъминлаш соҳасида халқаро ташкилотлар (ЖССТ, ЮНИСЕФ, Глобал фонд ва бошқалар) тавсиялари ҳамда етакчи хорижий давлатларнинг юқори самарали тажрибасини фаол ўрганиб, ўқув дастурларига жорий қилмоқда.

Тошкентда 2011 йил ноябрь ойида «Соғлом она – соғлом бола» мавзуида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда ЖССТ ва бошқа халқаро тузилмалар Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ноёб модели шаклланганини якдиллик билан таъкидлади. Масалан, Сеул Миллий университетининг педиатрия маркази (Корея Республикаси) раҳбарининг маърузасида педиатрия соҳаси ва тиббий кадрларни тайёрлаш масалаларида халқаро ҳамкорлик бўйича эришилган натижаларга юксак баҳо берилди.

Мамлакатимиз тиббий олий ўқув юртларида таълимнинг модернизация қилиниши уларда, жумладан хорижлик талабаларнинг билим олишга қизиқишини оширди. Корея Республикасининг етакчи университетлари билан кенг кўламли икки томонлама муносабатларни йўлга қўйган мамлакатимиздаги етакчи таълим марказларидан бири Тошкент педиатрия тиббиёт институти бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур институтнинг 100 нафардан ортиқ мутахассиси ҳамкорлик дастури доирасида Самсунг, Енсейск университети ва Сеул Миллий университетининг тиббиёт марказларида малака оширди ва тренингларда қатнашди.

Осиё тиббиёт институти раҳбари, профессор Ким Бон Су (Корея Республикаси) 2013 йил 21 январда Кореянинг «World Daily» газетасида эълон қилинган мақоласида «Ўзбекистонда тиббий таълим даражасининг юқорилиги Корея тиббий университетлари талабаларининг Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқишни давом эттириши учун катта қизиқиш уйғотди» дейилади. Шунингдек, унда «Тошкент педиатрия тиббиёт институтида таълим олиш Ўзбекистон тиббий таълиминнинг талабаларни кам сонли гуруҳларда юқори малакали мутахассислар томонидан ўқитиш ва амалий дарсларни беморлар «ётган жой»да ўташга имкон қадар яқинлаштиришга асосланган ноёб тажрибасининг амалий ифодасидир» дейилган.

Корея томони Тошкент педиатрия тиббиёт институти салоҳиятини инобатга олиб, Корея Республикаси университетларида бакалавр дипломини олган Корея фуқароларини мазкур институтда шифокорликка тайёрлашдан манфаатдор эканини билдирди. 2007 йилдан буён кореялик талабаларни интеграциялашган тиббий таълимнинг модуль тури асосида ўқитиш дастури бўйича Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик доирасида Тошкент педиатрия тиббиёт институтига Корея Республикасининг ўттиз нафар фуқароси ўқишга қабул қилинди. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг профессор ва ўқитувчилари томонидан кореялик талабаларни ўқитиш учун ишлаб чиқилган ҳамда халқаро стандартларга мос тўрт йиллик интеграциялашган ўқув дастури педиатрия соҳасида зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишига хизмат қилди. Шунингдек, Осиё тиббиёт институтининг ўқув жараёнини модернизация қилишга қўшган ҳиссаси ушбу дастурни амалга оширишда ижобий натижаларга эришиш имконини берди.

2012 йилда кореялик уч нафар талаба Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқишни муваффақиятли тамомлаб, мамлакатимизда олган дипломларини Корея Республикасида нострификация босқичидан ўтказди ва шифокорлик лицензиясини олиш ҳамда Кореянинг етакчи тиббиёт марказларидаги клиника ординатурасида тор мутахассислик бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлиш учун давлат тест имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Мазкур натижа Корея томонидан улкан ютуқ сифатида баҳоланди. Негаки, Корея Республикаси университетларини тамомлаган талабаларнинг 20-30 фоизигина биринчи йилда давлат тест имтиҳонларини топшира олади.

«World Daily» газетасида чоп этилган ушбу мақолада муаллиф Тошкент педиатрия тиббиёт институти битирувчиси Жанг Со Рянгнинг миннатдорлик сўзларини келтирган. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон менга шифокор бўлиш имкониятини яратиб берди ва мен бу мамлакатни энди ўзимнинг иккинчи Ватаним, деб биламан. Келажакда тиббиёт соҳасида тажрибага эга бўлганимдан сўнг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида замонавий ва самарали тиббиёт технологияларини жорий этишга ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман».

Тошкент педиатрия тиббиёт институти модуль таълимининг охирги босқич талабаси Со А Ёнгнинг АҚШда лицензияли тиббий имтиҳонларнинг (USMLE) уч босқичидан муваффақиятли ўтгани ҳам ушбу дастурнинг муҳим ютуғи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, унга АҚШдаги етакчи тиббиёт университетларидан бирида клиника ординатураси курси бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқини берди. Шу муносабат билан Со А Ёнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Ўзбекистонда олий тиббий маълумотга эга бўлиш имконини бергани учун қуйидаги миннатдорлик мактубини йўллади:

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Авваламбор, Сизга Ўзбекистон Республикасида менга таълим олиш имконияти яратиб берилгани учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этиш, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва масъулиятли фаолиятингизда янада улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Айни пайтда мен Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг еттинчи босқичи модуль гуруҳида таҳсил олаётирман. Бу ерда ўқитиш жараёни Сиз маъқуллаган ўқув дастури ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамда Осиё тиббиёт институти (Корея Республикаси) ўртасидаги ҳамкорликка оид шартномага мувофиқ амалга оширилмоқда.

Мен болалигимдан тиббий маълумот олишни орзу қилардим ва бу имкониятга Ўзбекистон Республикасида эга бўлдим. Шунингдек, Ўзбекистонда эгаллаган билимларимга таянган ҳолда, АҚШ соғлиқни сақлаш тизимида ишлаш учун уч босқичли синовдан ҳам муваффақиятли ўтдим. Бу билан Ўзбекистон Республикасида бериладиган олий тиббий таълим даражаси халқаро стандартлардан қолишмаслигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ишончим комилки, бу Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз ва ёш авлод камолотига қаратаётган юксак эътиборингиз самарасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни мамлакатларимиз ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик йўлга қўйилганининг 20 йиллиги билан табриклаш ҳамда Сизга сиҳат-саломатлик ва шахсий ҳаётингизда омадлар тилашга ижозат бергайсиз!

Чуқур эҳтиром ила

Со А Ёнг.

Кореялик талабаларнинг Ўзбекистонда олган билими ва орттирган тажрибаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти дипломининг Корея Республикаси ва АҚШда эътироф этилиши мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш самарасида яратилган таълим даражасининг юқорилигидан далолат беради. Корея томони шуларни эътиборга олиб, Корея Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси тиббий олий ўқув юртларида тиббий таълим олиш амалиётини кенгайтиришдан манфаатдорлигини маълум қилди. Шу муносабат билан кореялик талабаларнинг Самарқанд давлат тиббиёт институтида ҳам модуль асосида таълим олиши режалаштирилмоқда.

(ЎзА)

«Ташаббус – 2013»

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ЭНГ КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, қатнашчилар орасида экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, ички ва ташқи бозорда ўз товларининг машҳур брендига эга бўлган, фармецевтика, тўқимачилик ҳамда енгил саноатнинг бошқа тармоқларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сони кўпаймоқда.

Ҳунармандчилик йўналишида эса халқ амалий санъатининг энг юксак намуналари асосида экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқараётган, жумладан, миниатюра, зардўзлик, кулолчилик, ёғочга, сомонга ишлов бериш орқали турли асарлар яратиш билан шуғулланаётган ҳунармандлар ўз маҳоратларини намоён этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, кўрик-танловда беллашадиган тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар сони йилдан йилга кўпайиб, танловнинг кўлами кенгаймоқда.

Бу йил танловнинг туман, шаҳар, вилоят босқичларида етти минг нафардан ортиқ микрофирма, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхонаси, фермер хўжаликлари раҳбарлари, ҳунармандлар, халқ амалий санъати усталари иштирок этди. Уларнинг барчаси барқарор фаолият кўрсатаётган, юқори кўрсаткичларга эришиб келаётган субъектлардир.

Дастлабки босқичларда энг яхши деб топилган 41 та омадли иштирокчи танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Кўрик-танловнинг «Энг яхши солиқ тўловчи» номинациясида «Toshkent trans energo» хусусий корхонаси ғолиб бўлди.

– Президентимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар тадбиркорлик билан шуғулланишимизда муҳим омил бўлмоқда, – дейди «Toshkent trans energo» хусусий корхонаси раҳбари Хушнудбек Бекжонов. – Ана шундай эътибор самарасида фаолиятимиз кун сайин ривожланмоқда. Бугунги кунда корхонамизда юқори ва паст кучланишли электротехник ускуналар ва трансформаторлар ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида Хитойдан жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган электр ускуналари ва трансформатор нимстанциялари ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳларни олиб келишни режа қилганмиз. Ушбу режани амалга оширсак ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, ўн бешга яқин янги иш ўрни яратилади...

Танлов натижаларига мувофиқ андижонлик Абдулҳошим Исмоилов «Энг яхши тадбиркор» деб топилди. «Энг яхши фермер» йўналишида бош совринни қорақалпоғистонлик Байрамқилич Дадебаев қўлга киритди. «Энг яхши ҳунарманд» номига бухоролик Маҳфуза Салимова эга бўлди.

Ғолибларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари – «Spark» автомобиллари тантанали равишда топширилди.

Танлов совриндорлари пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Абдуалим САЛИМОВ
Сарвар Ўрмонов (ЎзА) ва Ислом Исмоилов олган суратлар

ИНСОН МАНФААТЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Бугунги озодлик ва демократия барча минтақаларда мустаҳкамланаётган бир пайтда юз минглаб эркак, аёл ва ҳаттоки болалар меҳнатидан фойдаланиб, уларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш эвазига фойда кўраётган кимсаларнинг кўплаб учраётгани ачинарли ҳолдир.

XIX асрда «оқ қуллик» деб аталган мазкур глобал муаммога қарши 1904 йили Парижда 12 мамлакат томонидан биринчи конвенция имзоланди. 1949 йилда эса БМТ томонидан одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликка қарши кураш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди. Ва ниҳоят 2000 йили Палермо Протоколи асосида одам савдоси муаммосига бутун дунё эътибор қаратди.

Бизнинг мамлакатимиз ҳам одам савдосига қарши кураш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида 2003 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилди.

Эндиликда фуқароларимизнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолмаслиги учун республикамиз миқёсида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, шаҳримиздаги «Ўзтемирйўлмаштаъмир» корхонасида ҳам шу йўналишда «Мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш – бош мақсадимиз» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Маълумки, сўнгги йилларда асосан интернет саҳифаларида, ҳаттоки нуфузли фирмалар томонидан хорижда катта маош ва қулай иш шароитлари ваъда қилинган ҳолда хотин-қизларга уй хизматкорлиги, ошпазлик, болаларга қараш, котибалик, официантлик, стюардессалик каби ишлар таклиф этилмоқда. Аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, шу каби ваъдаларга учиб, хорижга жўнаб кетган айрим фуқароларимизни кейинчалик зўравонлик йўли билан фоҳишалик, қуллик ёхуд Ватанига хиёнат қилишга ундашгани ҳам маълум бўлмоқда.

Ўтказилган тадбирда Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибаев маъруза қилар экан, Европол ҳисоб-китобларига кўра, одам савдоси бизнесидан кўрилаётган йиллик фойда 19 миллиард АҚШ долларини ташкил этаётганини айтиб ўтди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига қараганда, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдоси қурбонига айланар экан. Сотилган аёллар танфурушлик, эркаклар қуллик, болаларнинг тиланчилик қилиши аниқланган.

Одам савдогарлари ва террорчилар алоқалари шу қадар чуқурлашиб кетганки, биридан иккинчисини ажратиб олиш ҳам қийин кечади.

Европа Кенгаши хулосасига кўра, кейинги 10 йил мобайнида одам савдогарлари ва террорчилик ташкилотлари томонидан аёлларни чегарадан ноқонуний олиб ўтиш 4 баробар ошган. Хорижда алданиб қолиб, номуси топталаётган аёлларнинг 75 фоизга яқини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Сўнгги йилларда улар орасида 13-14 ёшдаги ўсмир қизлар ҳам учраётгани жуда ачинарлидир. Ўсмирлар ва болалар шафқатсиз шароитларда, фақат озиқ-овқат учун суткасига 14 соат ишлашга турли фирма ва заводларга сотилаётганини қандай изоҳлаш мумкин.

Шу боис тадбирда чет элда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган фуқаролар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ёки минтақавий бўлимларига мурожаат қилиши кераклиги, шартнома асосида хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия расмийлаштирилиши зарурлиги таъкидланди. Сўнг одам савдоси қурбонига айланиб қолиб бошидан кўплаб қийинчиликларни ўтказган аёллар тўғрисида тайёрланган ҳужжатли фильм намойиш этилди ва тадбир иштирокчиларининг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Отабек ОТАЁРОВ

№1(215) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни соғломлаштириш ва уни ўз ҳолатида сақлаб туриш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Чунки табиат — ҳаёт манбаи, уни асраб-авайлаш эса ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

2013 йил — Обод турмуш йили

ҲАР БИРИМИЗ ЧУҚУР МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШИМИЗ КЕРАК

Табиатнинг бебаҳо бойликларидан, манбаларидан нотўғри фойдаланиш, унга нисбатан қўпол, кўр-кўрона муносабатда бўлиш она заминимизда экологик вазиятнинг бузилишига олиб келади, бунинг натижасида эса кутилмаган табиий офатлар юзага келаётгани сир эмас.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий манбалардан фойдаланишнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг мазмун-моҳияти ҳам мана шунда.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ҳам бу борада режа асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йил ҳисоботига назар ташлайдиган бўлсак соҳа мутахассислари томонидан 142 та комплекс, 41 та режадан ташқари қисқа муддатли, 56 та назорат тартибида, 248 та давлат бюджетидан молиялаштириладиган объектлар, 2 та хусусий тадбиркорлик бўйича текширишлар ўтказилди.

Бундан ташқари, фуқаролар ва ташкилотлар талабларига биноан шаҳар ўсимлик дунёсини асраш масаласи юзасидан 1295 та жойларга чиқишлар амалга оширилди. Ихтиофауна ва ҳайвонот олами жониворлари билан ноқонуний савдо қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Давлат биологик назорати ва карантин хизмати вакиллари билан биргаликда шаҳар бозорларида 20 та рейд ўтказилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси ва юқори ташкилотларнинг тақдимномаларига асосан ташкил этилган 39 та комиссия ишида қўмита ходимларининг иштироки таъминланди, 57 та шикоятлар кўриб чиқилди. Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларининг бажарилишини назорат қилиш юзасидан 158 та мақсадли, жумладан Йўл хавфсизлиги ҳаракати бошқармаси билан 12 та, «Тоза сув ўзани» тадбири чегарасида 146 та рейдлар уюштирилди.

Шундай қилиб, 2012 йилнинг 12 ойи давомида назорат остидаги ҳудудда жойлашган объектларнинг 2058 тасига нозирлик чиқишлари амалга оширилди.

Суд органларига корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатишни сўраб 4 та тақдимномалар берилди ва уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди.

Масалан, «AK PLAST GLOBAL EXPORT PARTNERS» ОАЖ ҚК давлат экологик экспертизаси шартларини бажармаганлиги (аспирацион тизими, чанг газ тозалаш ускуналари ўрнатилмаганлиги), турар ўй-жойларнинг жойлаштирилиши тўғрисида олдиндан ёлғон маълумотлар (32,5 ўрнига 100 кўрсатилган) тақдим этганлиги, атмосферага чиқиндиларни ташлаш устидан назорат йўқлиги, атмосфера ҳавосига меъёрдан ортиқ ифлослантирувчи моддалар меъёрдан (углерод оксиди ўртача 1,6 баробар, чанг 5 баробар, сероводород 2,1 баробар) ошиқ ташлаганлиги учун 2012 йил 7 декабрдаги суд қарори билан қўшма корхона ишлаб чиқариш фаолияти камчиликларни бартараф этгунга қадар тўхтатилган. Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти тўхтатилганлиги натижасида ифлослантирувчи (неорганик чанг, углерод оксиди, сероводород) моддаларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларни (гипс, полимер тузилишлари) ташланишининг олди олинган.

Тошкент шаҳар прокуратурасига жиноий ишлар қўзғатилиши тўғрисида 14 та ҳужжат юборилган.

Масалан, Миробод тумани (Мироншоҳ кўчаси, «Байналмилал» маҳалласи) ҳудудида яшил кўкаламзорларнинг ноқонуний кесилганлиги ва ўсимлик дунёсига 38 миллион сўм, Шайхонтоҳур тумани (Есенин кўчаси, 13-уй) ҳудудида яшил кўкаламзорларнинг ноқонуний кесилганлиги ва ўсимлик дунёсига 9,5 миллион сўм, Шайхонтоҳур тумани (Ибн Сино мавзеси, Ибн Сино номли Маданият уйи) ҳудудида яшил кўкаламзорларни ноқонуний кесилганлиги ва ўсимлик дунёсига 11,2 миллион сўм зарар етказилганлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган бўлиб, етказилган зарарни қоплаш бўйича тегишли чоралар кўрилган.

Ўтказилган текширишлар натижасида 1464 киши маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиб, улардан 774 нафари мансабдор шахслар, 690 нафари фуқаролардир. Жавобгар шахсларга 104896,47 минг сўм миқдорида жарима солинган.

Солинган жарималарнинг ҳаммаси ундирилиб олинди, жумладан ўтган йилги 664,4 минг сўм миқдоридаги қолдиғи ҳам ундирилди.

Шунингдек, ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун 46357,53 минг сўмлик даъво маблағлари, табиатдан фойдаланишга рухсат этилганлиги учун 415778,7 минг сўмлик маблағлар ҳам олинди.

Ўтган вақт давомида қўмита томонидан шаҳардаги корхоналар ва автомагистралларда автоуловлардан чиқаётган зарарли моддалар миқдори бўйича 26922 та автотранспорт воситалари текширилиб, 2348 тасида ёки 8,7 фоиз автомобилларда зарарли моддалар белгиланган миқдоридан ортиқлиги аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Обод турмуш йилида қўмита томонидан бу борадаги ишлар янада масъулият билан давом эттирилиб, режадаги юмушлар адо этилади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак бебаҳо бойлигимиз бўлган табиатни асраб-авайлашда ҳар биримизнинг масъуллигимиз, масъулиятимиз бўлмоғи керак.

А.МУСТАФИН,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари

Мамлакатнинг ташқи ва ички экологик сиёсатини жаҳон талаблари доирасида олиб боришда қонуний ҳужжатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда 120 дан ортиқ қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган.

Қонунларимизни ўрганамиз

МАҚСАД — ТАБИАТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Экологик қонунчиликнинг мақсади инсонларнинг саломатлиги, меҳнат ва маиший шароитлари тўғрисида ғамхўрлик қилишга йўналтирилгандир.

Экологик қонунчилик бир неча даражаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари экологик қонунчиликнинг асосини ташкил қилади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Асосий Қонун ҳисобланиб, ҳамма учун мажбурий ва олий юридик кучга эгадир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари Конституциянинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида берилган. Конституциянинг 50-моддасида «Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Ушбу талабга кўра Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиши ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш талабларига тўла амал қилиши шартдир», деган қоида мустаҳкамланган.

Асосий Қонуннинг 54-моддасига кўра жамиятнинг иқтисодий негизларидан бири бўлган мулкий муносабатлар бозор иқтисодиёти қонуниятларига мос равишда эътироф этилади. Лекин мулкдор ўз ҳоҳишича эгалик қилиши, фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳеч қачон экологик муҳитга, яъни атроф-муҳит ҳолатига зарар етказмаслиги керак.

Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳираларга умуммиллий бойликлар, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».

Конституциянинг 100-моддасига биноан илк бор шаҳар, туман, вилоят маҳаллий ҳокимиятларига ўз маъмурий-ҳудудий бўлинмаларидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ваколати топширилган. Бу ваколат уларда яшовчи аҳолининг экологик жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий экологик тадбирларни уйғунлаштириш ҳамда келажак истиқболларни белгилаш мақсадида табиий объектларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини тегишли ҳудудлар бўйича ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш, эгаллаш, ижаралаш ва мулк сифатида бериш ҳуқуқини яратди, назорат-жавобгарлик механизмини такомиллаштиришга имкон берди.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида«ги қонун экология соҳасидаги асосий қонун ҳисобланади.

Ушбу қонуннинг муқаддимасида – «Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиши ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир» деб таъкидланади. Қонуннинг 12-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга».

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга».

Демак, ҳар бир фуқаро ўзи яшайдиган жойдаги экологик вазият ва унинг келгуси ўзгариши бўйича мутасадди ташкилотлардан мавжуд маълумотларни олиш, ўрганиш ва ундан фойдаланишга ҳақлидир. Ҳар бир киши ўз ҳоҳиши бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳиссасини қўшиши учун барча имкониятлар мавжуд. Бирор корхона ёки бошқа объектлар фаолияти натижасида инсонлар саломатлигига зарарли таъсир кўрсатилаётган бўлса шикоят орқали ҳокимият, бошқарув ва табиатни муҳофаза қилиш идораларининг қарори билан уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, тугатилиши ёки ўзгартирилишига эришиш мумкин. Юридик ва жисмоний шахслар экологик зарарли корхона фаолиятини тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Заҳарли чиқиндиларни ташлаш натижасида экинларни, балиқларни нобуд қилиш, табиий объектларни бузиш, етказилган зарар учун корхоналар, мансабдор шахслардан ва фуқаролардан белгиланган тартибда товон пулини ундириш мажбурийдир.

Мавжуд қонунчиликда табиатдан оқилона фойдаланиш, янги, кам чиқитли технологияларни жорий қилиш чора-тадбирларини амалга оширган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун рағбатлантириш кўзда тутилган.

Ислом Исмоилов олган сурат

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектлари учун ҳар ойнинг 2-ярмида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилиб келинади. Ўтган 2012 йил давомида 12 та, 2013 йилда эса 2 та шундай очиқ эшиклар куни ташкил этилди.

ТАДБИРКОРЛИККА — КЕНГ ЙЎЛ

«Очиқ эшиклар куни»да тадбиркорлик субъектларининг ўзлари учун керакли бўлган Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари талаб этиладиган меъёрий ҳужжатларни қандай расмийлаштириш, уларни ишлаб чиқиш ва ким томонидан тасдиқланиши тўғрисидаги мурожаатлари ва мурожаат аризалари қўмитага келиб турибди.

Тадбиркорлик субъектлари жамиятнинг иқтисодий негизи ҳисобланади. Уларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришга доир Президентимизнинг кўплаб Фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Бу қарорлар замирида тизим фаолиятини бевосита кенгайтириш, фаоллаштириш ва зарурий имтиёзлар яратиш кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутасадди ходимлари томонидан мурожаат қилинган ҳар бир масала тегишли бўлимлар орқали ижобий ҳал этилади. Масалан, 2013 йил 25 январдаги «Очиқ эшиклар куни»да Олмазор тумани, Қорасарой кўчасида истиқомат қиладиган хусусий тадбиркор «Одилов Д.Н.» нинг мурожаати кўриб чиқилди. Мурожаатда тадбиркор ўз уйида касаначилик, яъни тикувчиликни йўлга қўйиш учун қандай ҳужжатларни расмийлаштириши кераклиги ҳақида маълумот сўралган. Ушбу мурожаат ижобий ҳал қилинди, яъни қўмитада рўйхатдан ўтиб, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмаслик шарти тушунтирилиб, маълумотнома берилди.

Айтиб ўтиш ўринлики, қўмитага мурожаат қилган ҳар бир тадбиркорлик субъектларига қонун доирасида амалий ёрдам бериб келинмоқда ва бундан кейин ҳам давом этади. Бундан ташқари қўмитада 277-75-43, 277-00-86 рақамли «Ишонч телефонлари» мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига яна бир бор таъкидлаб ўтар эдикки «Очиқ эшиклар куни»да фаол қатнашиб, ишонч телефонларига қўнғироқ қилинг.

Қўмита ходимлари Сизга амалий ёрдам кўрсатишга ҳар доим тайёр.

З. АҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Назорат бўлими бошлиғи

Табиат инъомлари

ЛАВЛАГИНИНГ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқимиз орасида лавлагидан тайёрланадиган таом ва салатлар анча оммалашиб кетган. Лавлагининг айниқса, қонни кўпайтириши ҳақида кўп эшитгансиз. Бугун ушбу сабзавотнинг бошқа фойдали томонлари ҳақида сўз юритамиз.

Британиялик олимларнинг эътироф этишича, лавлаги инсон организми учун бир мўъжиза экан. Эксетер университети тадқиқотчилари лавлагидан олинган шарбатнинг инсон қувватини оширишини аниқладилар. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, лавлаги шарбатини истеъмол қилган инсоннинг жисмоний фаоллиги 16 фоизга ортар, шунинг билан биргаликда, бу фаоллик узоқ вақт сақланиб қолар экан. Сабаби, лавлаги таркибидаги туз организмдаги кислород сарфини пасайтирар, бунинг устига энергиянинг сақланиш қувватини ошираркан.

Қайнатилган лавлаги ёки қайнатмаси қабзиятда ва пешоб ҳайдашда самарали фойда беради. Хом лавлагининг шарбати гипертониягa қарши энг яхши воситалардан бири саналади.

Ортиқча вазн муаммосига дуч келганларга эса қайнатилган лавлагини кўпроқ истеъмол қилиш тавсия қилинади. Лавлаги таркибидаги витаминлар организмдаги ёғлар алмашинувини яхшилайди. Жигарда тўпланиб қолган ёғларни парчалаб ташлайди.

Сочларнинг мустаҳкам бўлишини истасангиз, лавлаги пиширилган сув билан бошингизни ювинг.

Лавлаги шарбати қайнатилади ва суви дамланади. Шу шарбат тенг миқдорда асал билан аралаштирилиб ичилади. Бу омил хафақонлик ва шамоллаш билан боғлиқ касалликларга даводир.

Саҳифа материалларини Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади

ТАРБИЯ, МАЪНАВИЯТ ВА НАФОСАТ МАСКАНИ

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида театр санъатининг бугунги ривожи ва истиқболларига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда театршунос олимлар, саҳна фидойилари, санъат йўналишидаги олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, театр санъати муҳлислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Жалолов, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О. Ризаев, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри директори М. Ражабов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавият ва маърифат маскани бўлган театрларни ҳар томонлама ривожлантириш, соҳа фидойиларининг меҳнатини доимий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиздаги мавжуд қирққа яқин театрлар, театр студияларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш ва мустаҳкамлаш, ижодий жамоалар учун янги бинолар барпо этиш, мавжудларини тубдан реконструкция қилиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ҳар йили ўтказилаётган «Дебют», «Сени қуйлаймиз, замондош!» мавзуидаги республика кўрик-танловлари театр ижодкорлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган спектакларни яратишга хизмат қилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Theatre.UZ», «Тошкент баҳори» халқаро театр санъати фестиваллари мамлакатимиз театр санъати соҳасида эришилган ютуқларни тарғиб этиш, маҳаллий ва хорижий театр жамоалари ўртасида ўзаро тажриба алмашишда муҳим омил бўлмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг онгу шуурини ахлоқий қарашларимизга ёт, зарарли таъсирлардан ҳимоялашга оид қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ижодий жамоаларнинг олис қишлоқлар, шаҳар ва туманларга гастроллари ўтказилаётир.

Тадбирда Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри жамоасининг «Биз соғинган қўшиқлар» театрлаштирилган мусиқий дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ ким ошди савдосига Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ўзбекистон кўчаси, 49-уйда жойлашган Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига қарашли қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда:

1.1997 й. и/ч. дав.рақ. 10 AD 210 бўлган «Мидибус М-29» русумли автотранспорт воситаси — бош.нархи - 21 755 000 сўм. Аукцион савдолари 2013 йилнинг 18 апрель куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт. Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Миробод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 6 декабрдаги 10-1014/20894-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шевченко кўчаси, 31-уй, 33-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 50,15 кв.м. бўлган 4 қаватли уйнинг 2-қаватида жойлашган уй-жой такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 77 580 000 сўм.**

Савдо 2013 йил 24 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2013 йил 22 апрель куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filiali» қуйидагини маълум қилади!

«Менинг мулким» газетасининг 08.03.2013 йилдаги 10(926)-сони ва «Тошкент оқшоми» газетасининг 08.03.2013 йилдаги 19(12.551)-сонида чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларига қўйилган Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар «Сувоқова» ишлаб чиқариш шўъба корхонасига тегишли «ЗИЛ ММЗ-554» русумли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 11AD 243 бўлган автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан олинди.

Савдодан олишга асос: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар «Сувоқова» ишлаб чиқариш шўъба корхонасининг 27.03.2013 йилдаги 013-186-сонли хати.

Манзил: Тошкент ш, Миробод т, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. Тел: 233-49-31.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник даҳаси, М-3 мавзе, 25-уй манзилида жойлашган МЧЖ «Original Technogues» шаклидаги қўшма корхонасига тегишли бўлган бино учун 29.11.2007 йилда нотариал идорага, Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк қадастри хизмати Давлат унитар корхонаси томонидан берилган № 3454-сонли маълумотнома (форма-18) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сергели политехника коллежи томонидан 2004 йил 2 июлда Поянов Яшин Абдурасулович номига берилган 198 рўйхат рақамли, К 060463 сонли дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Олий ўқув юртларида

«КАМОЛОТ» МАЛИКАСИ-2013» ТАНЛОВИДА — ЭНГ МОҲИРЛАР

Табиат уйғониб, чирой очаётган шукуҳли кунларда, Тошкент Автомобиль ва йўллар институти «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан катта тадбир ўтказилди. «Камолот» маликаси — 2013» деб номланган ушбу кўрик-танлов институт факультетлари ва магистратура бўлимида таҳсил олаётган 1-босқич талаба-қизлари ўртасида ташкил этилди.

Тадбирда институт хотин-қизлар Кенгаши, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши вакиллари ва бошқа олий таълим муассасаларидан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этдилар.

Кўрик-танлов ўзбек халқининг бебаҳо маънавий меросидан ёшларимизнинг тўлақонли баҳраманд бўлиши, уларни ҳам миллий, ҳам замонавий, маънавий муҳитда камол топтириш, ўз иқтидори, дунёқараши, фикрлаши ва ижодий қобилиятларини оширишда талаба-қизларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва табиий етакчилик қобилиятларини намоён қилишларида кўмаклашиш, уларнинг ғайрат-шижоати, билими ва интеллектуал салоҳиятига таянган ҳолда, ҳар бир қизнинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига хизмат қиладиган қизиқиш, интилиш, изланишларини қўллаб-қувватлаш орқали «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишига эришиш ва маънавий фаоллигини ошириш мақсадида уюштирилди.

Иштирокчилар 4 та шарт бўйича беллашиб, белгиланган шартларга кўра тўпланган баллар ҳисоб-китобидан сўнг кўрик-танловда фаол иштирок этган қизлардан «Энг билимдон қиз» номинациясида Транспорт ва транспорт коммуникацияси бошқаруви факультети талабаси Мафтуна Ҳакимова, «Энг ҳозиржавоб қиз» номинациясида 1-босқич магистранти Гулноза Тўраева, «Энг истеъдодли қиз» номинациясида Йўл қурилиши факультети талабаси Зулфия Ҳасанова, «Энг чаққон қиз» номинацияси бўйича эса Автомобиль транспорти эксплуатацияси факультети талабаси Нилуфар Эрназаровалар ғолиб чиқдилар. «Камолот» маликаси-2013» кўрик-танлови ғолибаси деган шарафли номга эса Автомеханика факультети талабаси Мафтуна Исматова лойиқ деб топилди.

Кўрик-танлов сўнгида факультетлар миқёсида «Энг маданиятли мухлислар жамоаси» ҳам аниқланди. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

А. ЖУМАБОЕВ,
«Камолот» ЁИҲ институт бошланғич ташкилоти етакчиси

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ва БМТнинг Болалар ташкилоти — ЮНИСЕФ ҳамкорлигида университетнинг халқаро журналистика факультетида «Бола ҳуқуқларининг ОАВда ёритилиши» мавзуида факультатив дарслар ташкил этилди.

Таълим

НОАНЪАНАВИЙ УСУЛДАГИ ДАРСЛАР

Ушбу лойиҳа орқали талаба-журналистлар оммавий ахборот воситаларида болалар ҳуқуқларининг қай тарзда акс этиши, айрим масалаларда журналист этикаси қандай бўлиши кераклиги ҳақида зарур ва қизиқарли билимлар олмоқдалар. Дарслар ноанъанавий усулда, семинар-тренинг тарзида олиб борилмоқда. Айтиш жоизки, дарсларда иштирок этишни истаганлар сони кўпчиликни ташкил этмоқда.

Дарслар ниҳоясига етгач, фаол тингловчилар факультатив курсни якунлагани тўғрисидаги сертификатларга эга бўлади.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

МУНОЗАРАГА БОЙ ДАВРА СУҲБАТИ

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги академик лицейда филолог олимлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад, лицей ўқувчиларини олий ўқув юртига тайёрлашдан иборат.

Давра суҳбати давомида талабалар она тили фани юзасидан ўзларини қизиқтирган турли саволларга атрофлича жавоб олдилар. Шунингдек, уларга олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари ва таълим шартлари бўйича тушунчалар берилди.

– Ушбу давра суҳбати бизда катта таассурот қолдирди, – дейди лицей битирувчиларидан бири Лобар Сафарова. – Зеро, ўзим ҳам келгусида ўзбек филологияси йўналишида ўқимоқчиман. Шунинг учун ҳам она тили ва адабиёт фанларини чуқур ўрганишим керак. Айнан бугунги учрашув давомида ўзим учун жуда кўплаб маълумотларга эга бўлдим. Бу каби учрашувлар лицейда ҳар ойда икки марта ўтказиб келинмоқда. Мана шундай давра суҳбатлари албатта, биз каби ёшларнинг билим доирасини кенгайтиради.

Садоқат АЛИЖОНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Тепки ўткир юқумли касаллик бўлиб, одам танасидаги безли аъзолар ҳамда асаб тизимининг зарарланиши билан кечади. Ушбу касаллик ҳақидаги биринчи ёзма маълумотлар эрамиздан аввалги V асрда Гиппократ асарларида қайд этилган. Тиббиёт илмининг ривожланиши тепки касаллиги ҳақидаги маълумотлар кўпайишига, жумладан, касаллик қўзғатувчисининг аниқланишига, унинг юқиш йўллари, клиник манзарасининг тўлиқ ўрганиб чиқилишига сабаб бўлди.

Мутахассис маслаҳати

ШИФОКОР НАЗОРАТИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Касаллик қўзғатувчиси вирус бўлиб, унинг илмий номи Pneumophilus parolidis деб юритилади. У паромиксовируслар оиласига мансуб бўлиб, ташқи таъсирларга чидамсиз ҳисобланади. +70° С да 10 дақиқада, 100° С да эса дарҳол ҳалок бўлади. Паст ҳароратда эса узоқ муддатгача сақланиши мумкин. Дезинфекцияловчи моддаларнинг кучсиз эритмалари ҳам вируснинг тез ҳалок бўлишига олиб келади.

Тепки касаллиги ер юзида кенг тарқалган бўлиб, вақти-вақти билан эпидемиялар тарзида пайдо бўлади. Касаллик асосан қиш ва баҳор ойларида кўпаяди, лекин ёз ва куз ойларида ҳам спорадик ҳолдаги касалланиш қайд қилиниши мумкин. Касалликнинг манбаи бемор одам ҳисобланади. Касаллик қўзғатувчиси бемор одамнинг сўлаги билан гапириш, аксириш, йўталишда кўп миқдорда ташқи муҳитга ажралиб чиқиб туради.

Тепки билан барча ёшдаги инсонлар оғриши мумкин, лекин асосий касалланиш 1 ёшдан 1,5 ёшгача болаларда содир бўлади.

Касаллик юққанидан сўнг ўрта ҳисобда 18-21 кун яширин даври кечади, сўнг ўткир тарзда ҳолсизлик, тана ҳароратининг 38 – 39° С гача кўтарилиши, бош ва танадаги оғриқ, иштаҳа пасайиши пайдо бўлиб, кучайиб боради. Бир томонлама ёки икки томонлама қулоқ олди безларида ёки жағ ости сўлак безида шиш катталашиб, оғриқ кучайиб боради. Бемор чайнашда шиш соҳасида оғриқ сезади. Сўлак ажралиши камайиши ҳисобига оғиз қуриши кузатилади. Ошқозон ости безида зарарланиш кузатилса, қорин оғриши, кўнгил айниши, қайт қилиш пайдо бўлади. Айрим ҳолларда жинсий безларнинг зарарланиши ҳам кузатилади. Касаллик оғир кечганида марказий асаб тизими зарарланиши белгилари: кучли бош оғриғи, безовталик, шовқин ва ёруғликни кўтара олмаслик пайдо бўлиши мумкин. Бу эса беморда сероз менингит шаклланганлигидан дарак беради.

Одатда касаллик 8-10 кун давом этади. Шу муддатда бемор тўлиқ соғаяди. Аксарият ҳолларда касаллик енгил ва ўрта оғир кўринишда кечади ва ўзидан сўнг асорат қолдирмайди. Умумий ҳимояси сустроқ беморларда тепкидан сўнг зарарланган аъзолар фаолияти сустлашиб қолиши (бепуштлик, сурункали панкреатит) мумкин. Ўтказилган менингитдан сўнг асорат сифатида бош мия ичи босимининг ортиши, фалажлар шаклланиши эҳтимоли бор.

Тепки билан касалланган одам юқумли касалликлар шифохонасида инфекционист назорати остида даволаниши лозим. Асоратланиш кузатилмаслиги учун парҳез ва ётоқ тартибига риоя қилиш буюрилади. Ўтказилган касалликдан сўнг умрбод турғун иммунитет шаклланади, лекин 0,4-1,1 фоиз ҳолатда касаллик такрорланиши мумкин. Тепкининг олдини олиш учун махсус вакциналар мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган эмлаш режасига асосан профилактика ишлари амалга оширилади.

Х. МАҲКАМОВА,
шаҳар 1-юқумли касалликлар шифохонаси бўлим бошлиғи

Баҳор таомлари

Баҳор келиши билан кунлар исий бошлаб, шамол тезлиги ғоят ўзгарувчан бўлади, баъзан бир кеча-кундузда йилнинг тўрт фаслини кўришимиз мумкин, об-ҳавонинг бундай ўзгариши табиат ва соғлом кишиларга ижобий таъсир қилади. Лекин об-ҳавонинг тез ва кескин ўзгариши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Қиш фаслидан баҳор фаслига ўтиш даврида инсон организмида ҳар хил ўзгаришлар содир бўлиб, витамин, минерал моддалар, микро ва макро элементларга эҳтиёж оша боради Шунда у бизларга оналарга хос сахийлик билан ноз-неъматларини ҳадя этади. Шунинг учун биз баҳорий таомларни истеъмол қилишимиз жуда катта аҳамиятга эгадир. Қуйида сиз азизларга баҳорий таомларни тақдим этамиз.

СУМАЛАК

Сумалак – баҳорнинг дармондорига бой, ҳаётбахш, табаррук таомидир. У қонимизни тозалаб, жисмимизни тетиклаштиради, саломатлигимизни тиклайди, куч-қувватимизни оширади. Сумалак ўта тўйимли ва мазали бўлгани учунгина эмас, шифобахш фазилатларга бойлигидан ҳам унга эҳтиёж каттадир.

1936 йилда немис олимлари Эмерсон ва Эванс ўтказган тадқиқотлар буғдойда «токоферол» деб аталувчи модда мавжудлиги, у женьшень таркибида учрайдиган Е витаминининг ўзгинаси эканлигини аниқлашган. Олимларнинг таъкидлашича, сумалак гипертония, сурункали гепатит касалликларига яхши даво бўлиб, қон таркибини яхшилайди, ошқозон-ичак фаолиятини нормаллаштириб, асабни тинчлантиради.

ҲАЛИМ

Ҳалимни тайёрлашдан мақсад, қишдан ҳориб-толиб чиққан киши танасида вужудга келадиган озуқавий моддаларни тиклашдан иборат. Уни тайёрлашда қўлланиладиган маҳсулотлар буғдой, ёғ, гўшт ҳисобланиб, улар оқсилга жуда бойдир. Олимларнинг таъкидлашича, оқсил инсон организмида «қурилиш материали» вазифасини бажаради. У организмнинг касалликларга курашиш қобилиятини оширади. Халқ табобатида ҳалим таркибидаги экстрактив моддалар меъда-ичак фаолиятини яхшилаши, марказий асаб тизимига ижобий таъсир қилиши, мия, юрак ҳаракатини фаоллаштиришга ёрдам бериши исботланган.

ГЎЖА ОШИ

Гўжа ош жуда тўйимли, инсонга қувват бағишлашда женьшень ва сумалакдан кейин туради ҳамда уни тайёрлаш учун ота-боболаримиз, момо-оналаримиз ҳафталаб тайёргарлик кўришади. Туршак, нўхат, ловия, қўй ва мол гўшти, буғдой, арпа, жўхори, мошдан тайёрланган ушбу таом халққа баробар тарқатилади. Момоларимиз: «Омонлик, сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик», дея таом ейишни бошлаб берадилар. Ҳақиқатан ҳам гўжа ошини еган одам йил бўйи бардам юради.

Демак, юқоридаги фикрларимизга хулоса қиладиган бўлсак, баҳорнинг шифобахш неъматлари инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарурдир. Биз организм талаб этган витамин ва моддаларни ўз вақтида истеъмол қилсаккина ҳар қандай касалликнинг олдини олган бўламиз.

Гули ЧЕҲРА тайёрлади

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Орзуларнинг рўёби меҳнат.

* * *

Умридан барака топган бахтли.

* * *

Хаёл бўлинса, иш унмайди.

* * *

Ҳисоб-китоб ҳамиша охирида бўлади.

* * *

Қаноатсизлик инсонни хароб қилади.

* * *

Бировнинг юкини тортишсанг, бошқалар ҳам умидвор бўлади.

* * *

Бировнинг хизматини камситиш яхши эмас.

* * *

Умид энг охирида узилади.

* * *

Бировнинг миннатини кўтаргандан тоғни кўтарган афзал.

* * *

Биров учун оддий иш бўлган нарса биров учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиши мумкин.

* * *

Майда ишдан қочмайдиган киши ҳақиқий заҳматкаш бўлади.

* * *

Ҳаётга қарашинг ўзгармай, турмушинг ўзгармайди.

* * *

Ниятнинг ўзи билангина иш битмайди, ҳаракат ҳам керак.

* * *

Ори бор хор бўлмайди.

* * *

Ўзига ишонмаганда қатъият бўлмайди.

* * *

Маслаҳатгўй ҳамиша кўп бўлади, лекин ёрдам қиладиган кам.

* * *

Бир гапдан қолган ҳамиша ютади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **2 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёғингарчилик (ёмғир ёғиб, қорга айланиши мумкин) бўлади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 0-2 даража илиқ, 1 даража совуқ бўлиши мумкин, кундузи — 11-13 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **2 апрелда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 441
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12760 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.45
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5